

**“SHARG’UNKO’MIR” АЖ тафтиш комиссиясининг
2023 йил якуни бўйича ХУЛОСАСИ**

2024 йил 3 июнь

Тошкент шаҳри

Тафтиш комиссияси раиси Х.Ф. Дўсматов ҳамда аъзолари Ш.А. Абдулахатов ва З.О. Ишимовлар томонидан 2023 йил даврининг молиявий ҳисоботлари қуйидаги шакллар асосида кўриб чиқилди:

- Бухгалтерия баланси (1-сонли шакл)
- Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-сонли шакл)

“SHARG’UNKO’MIR” АЖ устав капитали 7 029 420 минг сўми ташкил этади. Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботи Ўзбекистон Республикасининг миқдрий ҳисоб стандартлари ва қонун ҳужжатларига мувофиқ олиб борилади.

2023 йил якуни мобайнида “SHARG’UNKO’MIR” АЖ даромадлари жами бўлиб 121 310 346 минг сўмга тенг. Шундан,

- асосий фаолият тури бўйича даромадлари – 118 339 385 минг сўми,
- бошқа даромадлар – 2 969 842 минг сўми,
- молиявий фаолиятнинг даромадлари – 1 119 минг сўм.

Жамиятнинг 2023 йил якунида жами бўлиб харажатлари 119 953 914 минг сўми ташкил этган. Шулардан,

- сотилган маҳсулот(товарлар, ишлар ва хизматлар)ларнинг таннарихи 64 082 454 минг сўми;

- давр харажатлар жами бўлиб 55 871 460 минг сўми ташкил этган.

Шундан:

- сотиш харажатлар – 26 874 400 минг сўм;
- маъмурий харажатлар – 7 482 930 минг сўми;
- бошқа операцион харажатлар – 21 514 130 минг сўми
- молиявий фаолият бўйича харажатлар – 74 341 минг сўмга тенг.

Фойда солиғи – 1 131 920 минг сўм.

2023 йил якуни ҳолатига солиқларни тўлагунга қадар фойда 1 282 091 минг сўми ташкил этган. Солиқлар тўлангандан кейинги соф фойда эса 150 171 минг сўми ташкил этади.

2023 йил 31 декабрь ҳолатига банк ҳисоб рақамларидаги пул маблағларининг қолдиги 104 680 минг сўми ташкил этади. Шундан,

- асосий ҳисоб рақам бўйича – 102 354 минг сўм;
- махсус ҳисобрақам бўйича – 2 326 минг сўмга тенг.

2023 йил 1 январь ҳолатига асосий воситаларнинг бошланғич қиймати 58 357 060 минг сўмга тенг бўлган бўлса, эскириш қиймати 33 325 644 минг сўми, қолдиқ қиймати эса 25 031 416 минг сўми ташкил этган. Ҳисобот даври охирида яъни 2024 йил 1 январь ҳолатига эса асосий воситаларнинг бошланғич қиймати 86 693 289 минг сўми, эскириш қиймати 38 590 056 минг сўми, қолдиқ қиймати эса 48 103 233 минг сўми ташкил этган.

2023 йил 1 январь ҳолатига дебитор қарздорлик 57 730 084 минг сўми ташкил этган бўлса ҳисобот даври охирида 57 880 648 минг сўмга ошиб 2024 йил 1 январь

ҳолатига 115 610 732 минг сўмни ташкил этди. Муддати ўтган дебитор қарздорлик мавжуд эмас.

2023 йил 1 январ ҳолатига кредитор қарздорлик суммаси 48 175 346 минг сўмни ташкил этган бўлса 2024 йил 1 январ ҳолатига эса 482 401 046 минг сўмга кўпайиб 530 576 392 минг сўмни ташкил этган. Муддати ўтган жорий кредитор қарздорлик мавжуд эмас.

Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан битимлар Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг (кейинги ўринларда-Қонун) 9-бобига мувофиқ тузилиши лозим.

Қонуннинг 87-моддасига мувофиқ, Жамиятнинг аффилиланган шахси билан тузиладиган битим тўғрисидаги, тузилиши кутилаётган битим тарафининг ёзма билдиришида кўрсатиладиган ахборот жамиятнинг ижроия органи ва ички аудит хизмати томонидан ўрганилади.

Ўрганиш натижалари баённомада расмийлаштирилади. Баённомада битимнинг юридик, молиявий, техник ва бошқа муҳим жиҳатлари ҳамда унинг жамият фаолиятига кўрсатиши мумкин бўлган таъсири назарда тутилган бўлиши кераклиги белгиланган.

Жамият томонидан тақдим этилган маълумотномага асосан 2023 йил якуни бўйича жами 1 438 та шартнома тузилган бўлиб, **йирик битим тузилмаган.**

Шундан, электрон дўкон орқали 1 276 дона, аффилиланган шахслар 62 дона ва қолган 100 донаси тўғридан-тўғри тузилганлиги маълум бўлди.

Жамиятнинг раҳбариятига:

Жамиятда 2023 йил 31 декабрь ҳолатига муддати ўтган дебитор қарздорлик 10 072 558 минг сўмни ва муддати ўтган кредиторлик қарздорлик 33 669 826 минг сўмни ташкил этган бўлиб, уларни камайтириш;

Жамиятнинг 2023 йил 31 декабрь ҳолатига аниқланган киймати 9 175 271 минг сўм бўлган тайёр маҳсулотларни камайтириш тавсия этилади.

"SHARG'UNKO'MIR" АЖ
тафтиш комиссияси раиси

Х.Ф. Дўсматов

Тафтиш комиссияси аъзолари

Ш.А. Абдулахатов

З.О. Ишимов